

4. О создании Государственного фонда поддержки предпринимательской деятельности. Постановление Президента Республики Узбекистан:
<https://lex.uz/ru/docs/3311606>

5. О Государственной программе по реализации Стратегии «Узбекистан — 2030» в «Год поддержки молодежи и бизнеса». Указ Президента Республики Узбекистан.:
<https://lex.uz/uz/docs/6811938>

**АЛФРАГАНУС УНИВЕРСИТЕТИДА “ALFRAGANUS KIDS”
ЛОЙИҲАСИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ
РЕАЛИЗАЦИЯ ПРОЕКТА «ALFRAGANUS KIDS» В
УНИВЕРСИТЕТЕ АЛФРАГАНУС
THE "ALFRAGANUS KIDS" PROJECT'S EXECUTION AT
ALFRAGANUS UNIVERSITY**

Эргашева Гўзал Қурбоналиевна

Алфраганус университети Илмий тадқиқотлар, инновациялар
ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи.

gergasheva2023@gmail.com. ORCID:0009-0008-8364-4296

Сапаров Мавланбек Зокирович

Алфраганус университети Филология факультети ўқитувчиси

Калит сўзлар

Инновация, электрон услубий қўлланма,
тижоратлаштириш, хорижий тиллар, электрон робот-устоз,
таълим муассаса, лойиха, илмий тадқиқот.

Аннотация

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш ва модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларига илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини ҳамда илмий-инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш ва тижоратлаштириш мақсадида Алфраганус университетида хорижий тилларни ўқитиш соҳасида замонавий инновацион ишланма яъни **“Alfraganus kids”** номли электрон қўлланмасини яратиш бўйича амалга оширилган лойиха ҳақида.

Ключевые слова

Инновация, электронное методическое пособие, коммерциализация, иностранные языки, электронный робот-наставник, образовательное учреждение, проект, научное исследование.

Аннотация

Обеспечение и модернизация интеграции науки, образования и производства, а также широкое внедрение и коммерциализация результатов научно-практических исследований и научно-инновационных разработок в процессе технического и технологического обновления. В Университете Альфраганус реализуется проект по созданию современной инновационной разработки в области преподавания иностранных языков — электронного пособия «Alfraganus kids».

Key words

Innovation, electronic methodological manual, commercialization, foreign languages, electronic robot-teacher, educational institution, project, scientific research.

Annotation

The outcomes of scientific and practical research, as well as scientific and innovative discoveries, are widely implemented and commercialized in technical and technological updating processes, guaranteeing the integration of science, education, and production. About the Alfraganus University initiative that created an electronic manual called "Alfraganus kids"—a contemporary, unique breakthrough in the field of teaching foreign languages.

“2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сон Қарорининг 7-илоvasи “2022-2023 йилларда олий таълим муассасалари томонидан янги ишланма ва технологияларни жорий этиш, лойиҳаларни амалга ошириш дастури”да бажарилиши белгиланган. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлати томонидан мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8-майдаги “Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда. Қарорда таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш зарурлиги кўрсатилган.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш ва модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларига илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини ҳамда илмий-инновацион

ишланмаларни кенг жорий этиш ва тижоратлаштириш, ушбу йўналишда илмий муассасалар ва иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш, мамлакатни инновацион ривожланишига асос сифатида хизмат қилади. Республикамизда илмий-инновацион тадқиқот фаолиятни ривожлантириш учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб бориш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, туризм, маданият, маданий мерос ва спорт йўналишларида инфратузилмани жадал ривожлантириш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда инновацион ва технологик ривожланишни таъминлаш ва рағбатлантириш, хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш ва таълим сифатини тубдан ошириш, аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш, рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда инновацион технологияларини кенг жорий этиш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ҳар бир соҳа ва тизим

фаолиятини инновацион ғоялар ва технологиялар асосида олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алфраганус университетида хорижий тилларни ўқитиш соҳасида замонавий услубий ишланмалар, жумладан, мактабгача ёшдаги болалар ва илк бор хорижий тилларни ўрганувчилар учун ишланмалар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Инновацион ишланмалардан бири Алфраганус университети ректори М.М.Маҳмудов раҳбарлигида филология факультети ўқитувчиси Сапаров Мавланбек Зокирович томонидан **“Alfraganus kids”** номли электрон қўлланмасини яратиш бўйича лойиҳа амалга оширилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, инновацион лойиҳани амалга ошириш мақсадида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун университетимиз илмий изланувчиси Сапаров Мавланбек инновацион технологияларидан фойдаланиб, хорижий тилларини самарали ва қизиқарли ўрганиш, сифатли таълим олиш учун замонавий ўқув-методик материал сифатида махсус робот-устози яратилди.

Алфраганус университетида ушбу лойиҳа бир йил давомида хитойлик ҳамкорлар билан амалга оширилди. Лойиҳа доирасида жамоа томонидан амалга ошириладиган вазифалар белгиланган муддатларда режа асосида ижрочилар томонидан бажарилди.

Лойиҳа доирасида амалга оширилган **“Alfraganus kids”** электрон қўлланма болаларга ва хорижий тилларни илк ўрганувчилар учун 16 та тилда сабоқ беради: инглиз, рус, корейс, хитой, француз, испан, ўзбек, араб, турк, япон, немис, туркман, тожик, қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқ тиллари. Бунда инновацион технологиялар орқали 16та хорижий тилни

робот устоз ёрдамида ўрганишлари мумкин. Қўлланмага махсус 38 та мавзу киритилган. Мазкур электрон робот-устоз қўлланмаси болалар когнитив қобилиятларини, нутқ кўникмларини ҳамда бир вақтнинг ўзида болалар моторикасини ривожлантириш, қизиқарли машқлар, диалоглар, интеллектуал ўйинлар, расмий луғатлар ва қувноқ ашулалар орқали хорижий тилларини осон ва тез ўрганиш имконини беради.

Ишланма учта қўлланмадан, робот устоз ва қувватлагичдан (зарядка) иборат. Электрон қўлланмани яратишда овоз ёзиш студияларига хорижликлар таклиф қилиниб 16та хорижий тил эгалари айнан native speakerlar яъни шахсан ўзларидан махсус ёзиб олинди. Қўлланмаларнинг ҳар бир бети юқори қисмига 16та давлат байроғи жойлаштирилган. Хорижий тил ўрганувчи талабгор қайси тилни ўрганмоқчи бўлса, ушбу байроқни устига робот устоз ручкаси теккизилса, робот ўша тилни ўргата бошлайди. Бу электрон қўлланма А1 даражадаги билимни беришга мўлжалланган. Қўлланмадаги ҳар бир ўргатилаётган мавзу ичига мавзуга мос ашула ва ўйинлар жойлаштирилган. **“Alfraganus kids”** яратишдан кўзланган асосий мақсад чекка-чекка ҳудудлардаги болалар ҳам хорижий тилларни тил эгаларидан ўзлаштиришлари учун имкониятини яратиш. Маълумот ўрнида робот устоз ишланмасига бир йил кафолат берилади.

Хулосада мазкур қўлланма инглиз, рус, корейс, хитой, француз, испан, ўзбек, араб, турк, япон, немис, туркман, тожик, қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқ тилларини қизиқарли машқлар, диалоглар, интеллектуал ўйинлар, расмий луғатлар

ва қувноқ ашулалар орқали осон ва тез ўрганиш имконини беради. Асосий мақсад болаларга ва хорижий тилларни илк ўрганувчилар учун вақтини унумли ўтказиш ҳамда китобнинг ҳар қандай нарсадан устун эканини кўрсатишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Cameron, L. (2001). Teaching Languages to Young Learners. Cambridge University Press.
2. Ellis, G., & Brewster, J. (2014). Tell it Again! The New Storytelling Handbook for Primary Teachers. Pearson Education.
3. Pinter, A. (2011). Children Learning Second Languages. Palgrave Macmillan.
4. Moon, J. (2000). Children Learning English. Macmillan Education.
5. Wright, A. (2006). Pictures for Language Learning. Cambridge University Press.
6. Slattery, M., & Willis, J. (2001). English for Primary Teachers. Oxford University Press.
7. Brewster, J., Ellis, G., & Girard, D. (2002). The Primary English Teacher's Guide. Penguin English.
8. Phillips, S. (1993). Young Learners. Oxford University Press.
9. Krashen, S. (1982). Principles and Practice in Second Language Acquisition. Pergamon Press.
10. Curtain, H., & Dahlberg, C. A. (2016). Languages and Children, Making the Match: New Languages for Young Learners, Grades K-8. Pearson.